



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Кадастр агентлиги

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР
УЧАСТКАСИНИ АЖРАТИШ ВА ҚУРИШ ЖАРАЁНИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ҲУЗУРИДАГИ КАДАСТР АГЕНТЛИГИ

Н. Рустамбеков, Н. Тилляев, У. Жақсымуротов, О. Маликов

**ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАСИНИ
АЖРАТИШ ВА ҚУРИШ ЖАРАЁНИ БИЛАН БОҒЛИҚ ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

МУНДАРИЖА

1.	Кириш	6
2.	Умумий қоидалар	7
3.	Якка тартибда уй-жой қуриш асослари	8
4.	Мавжуд уй-жойни бузиб, янги уй-жой қуриш	9-11
5.	Мавжуд уй-жойга қўшимча уй-жой қуриш ёки мавжуд уй-жойни ўзгартириш	12-13
6.	Ер участкасини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиб, уй-жой қуриш	14-16
7.	Уй-жойга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш	17
8.	Якка тартибда уй-жой қуриш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	18
9.	Иловалар	19-29
	Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома	19
	Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома	20
	Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома	21
	Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома	22-23
	Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома	24-25
	Ер участкасига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери	26
	Бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга	27-28

рухсатнома бериш бўйича давлат
хизматларидан фойдаланиш учун сўровнома

Бино ва иншоотларнинг реконструкция қилиш **29**
ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва
иншоотларни қуриш учун рухсатнома

I. КИРИШ

Сўнгги йилларда ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкӣ ва ҳуқуқӣ муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди, норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар қабул қилинди, тартиблар ўзгарди.

Бу эса ўз навбатида, якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкасини олиш, якка тартибдаги уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш жараёнида фуқаролар томонидан амалга оширилиши шарт бўлган қоидаларни келтириб чиқарди.

Ушбу Қўлланма **қонуний ажратилган ер участкада якка тартибда уй-жой қуриш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишни соддалаштирилган ҳолда аҳоли ҳамда давлат органлари ходимларига тушунтириш мақсадида** Адлия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Қўлланмада ушбу соҳада давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва ҳужжатларнинг намуналари ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

Қўлланмани **очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул** ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланма янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Қўлланма ишлаб чиқилган сана: **31.07.2023 йил.**

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Қўлланма якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкасини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш жараёнидан бошлаб қурилиш-монтаж ишлари тугалланган уй-жойдан фойдаланишга учун рухсатнома олишга оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солади.

БУНИ БИЛИШ ЗАРУР

Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва унда уй-жой қуриш ноқонуний ҳисобланади ва бунинг учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

2. Мазкур Қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

уй-жой – якка тартибдаги уй-жой, яъни ер участкасида жойлашган бир ёки бир нечта турар-жой бинолари ва уларга тааллуқли бўлган томорқа-хўжалик иморатлари ва ҳовли иншоотлари (халқ тилида ҳовли уй ёки жой);

бино – одамлар яшаши ёки бўлишига мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат қурилиш тизими;

иншоот – одамлар яшашига мўлжалланмаган, бироқ моддий қимматликларни жойлаштириш ва сақлаш, одамларнинг вақтинча бўлиши (ҳаракатланиши), шунингдек, ускуналар ёки коммуникацияларни жойлаштириш (ўтказиш, улаш) учун мўлжалланган, таянч, тўсма ёки ҳар иккала мақсадга хизмат қилувчи конструкциялардан иборат ҳажмий, ясси ёки чизиқ тарзидаги қурилиш тизими;

уй-жойни реконструкция қилиш – меъморчилик-режалаштириш ечимларини ўзгартириш, уйнинг устига, ёнига қўшимча қуриш, эскирган ва маънавий эскирган конструкциялар ва муҳандислик иншоотларини, шу жумладан ташқи тармоқларни (магистрал тармоқдан ташқари) қисмларга ажратган, алмаштирган ҳолда ўзгартириш;

уй-жойни қайта қуриш – бино ва иншоотларни тўлиқ ёки қисман бузиб ташлаб, уларнинг ихтисослашишини ўзгартирган ёки ўзгартирмаган ҳолда янгиларини қуриш;

«E-auksion» платформаси – электрон онлайн-аукцион ташкил этиладиган ва ўтказиладиган ахборот тизими.

III. ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ АСОСЛАРИ

3. Қўпчилик фуқаролар томонидан эскирган уй-жойини бузиб, ўрнига янгисини қуриб ёки мавжуд уй-жойни ўзгартириб қўшимча (теппасига, ёнига) қурилиш қилиб ёхуд ховлисидаги бўш ерга янги уй-жой қуриб бўлгач, ушбу **уй-жойга қонуний хужжатларни расмийлаштиришида муаммоларга дуч келади.**

Ушбу ҳолат эса занжир каби, бошқа муаммоларни келтириб чиқаради, масалан давлат рўйхтидан ўтмаган уй-жой ноқонуний ҳисобланиб, уни **олди-сотди қилиб бўлмайди** ёки **мерос сифатида тақсимлаб бўлмайди.**

Бунинг асосий сабаби, уй-жой қуришдан аввал бир нечта хужжатларни расмийлаштириш зарур.

4. Агар қурилиши режалаштирилган уй-жой 2 қаватдан юқори бўлмаса (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан **ортиқ бўлмаса** уй-жойнинг **лойиҳа-смета хужжатлари туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари билан келишилиши талаб этилади.**

5. Агар қурилиши режалаштирилган уй-жой 2 қаватдан юқори бўлса (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан **ортиқ бўлса** архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ ёки АПЗ) ишлаб чиқиш, АРТга асосан уй-жойнинг **лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва лойиҳа-смета хужжатларини қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияларида рўйхатдан ўтказилиши лозим.**

6. Зарур хужжатларни расмийлаштириш босқичлари, бунда фуқаролардан талаб этиладиган хужжатлар ва тўловлар турлари ва миқдорлари ҳақида ушбу Қўлланманинг тегишли бўлимларида батафсил ёритиб берилади.

IV. МАВЖУД УЙ-ЖОЙНИ БУЗИБ, ЯНГИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ

7.1. Фуқаролар ихтиёрида бўлган уй-жой ўрнида янги уй-жойни **қайта қуришни лойиҳалаштириш**га рухсатнома талаб этилади.

Рухсатнома **туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари** томонидан берилади. Бино ва иншоотларни қайта қуришни тегишли рухсатномасиз амалга ошириш тақиқланади.

Фуқаролар рухсатнома олиш учун ДХМ ёки **ЯИДХП** давлат хизматидан **электрон шаклда** мурожжат қилишлари мумкин.

Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари етти иш куни мобайнида **объектни жойига бориб бино ва иншоотларнинг қайта қуриш имкониятлари мавжудлигини ўрганади ва QR-код қўйилган рухсатномани** бериш ёки рад этиш масаласини кўриб чиқади.

Рухсатнома бериш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи** миқдорида, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда ушбу кўрсатилган йиғим суммасининг **90 фоизи** ундирилади.



Агар қурилатган уй-жой икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлса, **АРТни олиши** ҳамда **лойиҳа-смета хужжатларини келишиш** лозим.

Бу ҳолатда ариза бурувчиларнинг буюртмасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари **АРТни** ишлаб чиқади.

Фуқаролар АРТни олиш учун ДХМ ёки **ЯИДХП** давлат хизматидан **электрон шаклда** мурожжат қилишлари мумкин.

Аризага туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимнинг бино ва иншоотни реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотни қуришга рухсатномаси илова қилинади.

Агар қурилиш жараёнида коммуникация тармоқлари улуниш зарурати пайдо бўлса, электр, газ, сув таъминоти ва оқова сув тармоқлари техник шартлар ҳам илова қилинади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 1.0 баравари** миқдорида, (ЯИДХП орқали ушбу суммаснинг **90 фоизи**) йиғим ундирилади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги органлари АРТни **3 иш куни** ичида инвойсни ариза берувчига юборади ҳамда қурилиш органлари **5 иш куни** АРТни ишлаб чиқиб аризачига юборади.

Якка тартибдаги уй-жойларни қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

ер усти ер участкаси тарҳи;

уй-жойнинг пойдеворлари, ертўллари, қаватлари, уларнинг қирқимлари ва бинонинг олд томони тарҳлари.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари **Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари** томонидан – икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойлар ча **уч иш куни** мобайнида;

туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан – икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойлар **уч иш куни** мобайнида кўриб чиқилади ва **келишилади**.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари келишиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизи** миқдорида (ЯИДХП орқали

ушбу суммаснинг **90 фоизи**) йиғим ундирилади.

7.2. Бу турдаги уй-жойларда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларидан **объектни рўйхатдан ўтказиш** талаб этилади.

Фуқаролар қурилиш-монтаж ишларини рўйхатдан ўтказиш учун ДХМга ёки **ЯИДХП** орқали **электрон шаклда** мурожат қилишлари мумкин.

Аризага туман (шаҳар) қурилиш уй-жой коммунал хўжалиги бўлимнинг бино ва иншоотни реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотни қуришга рухсатномаси илова қилинади.

Сўровномада кўрсатилган объектнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматининг **0,2 фоизи** миқдорида **йиғимни** ариза берувчилар бир ойлик муддатда тшлашлари лозим.

Ҳудудий инспекция сўровнома тушган вақтдан бошлаб **бир иш кун**и мобайнида аризани кўриб чиқиб объект рўйхатдан ўтказди ёки рад этади.

7.3. Фуқаролар қурилиш-монтаж ишлари тугаллангандан сўнг якка тартибдаги уй-жойлардан **фойдаланиш учун рухсатнома** олиш талаб этилади.

Бунда аризалар икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойлар (**I тоифа объектлар**) – туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари;

икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан юқори ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойларга (**II тоифа объектлар**) – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари рухсатнома берадилар.

Агар қурилган уй-жой II тоифа объект ҳисобланса, сўровномага қуйидагилар электрон шаклда илова қилинади:

 пудрат ташкилоти ва буюртмачи ўртасида имзоланган

қурилиши тугалланган объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси;

- ✚ пудрат ташкилоти томонидан берилган мувофиқлик декларацияси;
- ✚ муаллифлик ва техник назоратни амалга оширувчи шахслар томонидан берилган бажарилган ишларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

I тоифа объектлар бўйича юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилмайди.

Ушбу ариза ваколатли органлар томонидан **8 иш куни** мобайнида кўриб чиқилади.

Уй-жойлардан фойдаланиш учун рухсатнома олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **30 фоизи** (ЯИДХП орқали ушбу суммаснинг **90 фоизи**) миқдорида йиғим ундирилади.

V. МАВЖУД УЙ-ЖОЙГА ҚЎШИМЧА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ЁКИ МАВЖУД УЙ-ЖОЙНИ ЎЗГАРТИРИШ

8.1. Фуқаролар ихтиёрида бўлган уй-жойга **қўшимча бино қуришни лойиҳалаштириш**га рухсатнома талаб этилади.

Рухсатнома **туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари** томонидан берилади. Қўшимча бино қуришни лойиҳалаштиришни тегишли рухсатномасиз амалга ошириш тақиқланади.

Фуқаролар рухсатнома олиш учун ДХМ ёки **ЯИДХП** давлат хизматидан **электрон шаклда** мурожат қилишлари мумкин.

Туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал бўлимлари етти иш куни мобайнида **объектни жойига бориб бино ва иншоотларнинг қайта қуриш имкониятлари мавжудлигини ўрганади ва QR-код қўйилган рухсатномани** бериш ёки рад этиш масаласини кўриб чиқади.

Рухсатнома бериш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи** миқдорида, ЯИДХП орқали мурожаат этилганда ушбу кўрсатилган йиғим суммасининг **90 фоизи** ундирилади.

8.2. Шу билан бирга, икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан

баланд ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойларда **қўшимча бинолар қуриш** ҳамда **ўзгартириш қиритиш** учун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларидан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун **объектни рўйхатдан ўтказиш** талаб этилади.

Фуқаролар қурилиш-монтаж ишларини рўйхатдан ўтказиш учун ДХМга ёки **ЯИДХП** орқали **электрон шаклда** мурожат қилишлари мумкин.

Аризага туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимнинг бино ва иншоотни реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотни қуришга рухсатномаси илова қилинади.

Сўровномада кўрсатилган объектнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматининг **0,2 фоизи** миқдорида **йиғимни** ариза берувчилар бир ойлик муддатда тшлашлари лозим.

Ҳудудий инспекция сўровнома тушган вақтдан бошлаб **бир иш кун**и мобайнида аризани кўриб чиқиб объект рўйхатдан ўтказиши ёки рад этади.

8.3. Фуқаролар қурилиш-монтаж ишлари тугаллангандан сўнг якка тартибдаги уй-жойлардан **фойдаланиш учун рухсатнома** олиш талаб этилади.

Бунда аризалар икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жойлар (**I тоифа объектлар**) – **туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари;**

икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан юқори ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойларга (**II тоифа объектлар**) – **қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари рухсатнома** берадилар.

Агар қурилган уй-жой II тоифа объект ҳисобланса, сўровномага қуйидагилар электрон шаклда илова қилинади:

- ✚ пудрат ташкилоти ва буюртмачи ўртасида имзоланган қурилиши тугалланган объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси;
- ✚ пудрат ташкилоти томонидан берилган мувофиқлик декларацияси;
- ✚ муаллифлик ва техник назоратни амалга оширувчи шахслар томонидан берилган бажарилган ишларнинг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

I тоифа объектлар бўйича юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар илова қилиниши талаб этилмайди.

Ушбу ариза ваколатли органлар томонидан **8 иш куни** мобайнида кўриб чиқилади.

Уй-жойлардан фойдаланиш учун рухсатнома олиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **30 фоизи** (ЯИДХП орқали ушбу суммасинг **90 фоизи**) миқдорида йиғим ундирилади.

VI. ЕР УЧАСТКАСИНИ ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН ОРҚАЛИ СОТИБ ОЛИБ, УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ

9. Фуқароларга уй-жой қуриш учун **ер участкаларини реализация қилиш «E-auksion»** ягона аукцион электрон савдо платформасида амалга оширилади.

9.1. Ер участкалари рўйхатини шакллантириш, ер участкаларини аукционга қўйиш ва ғолибни аниқлаш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

биринчи босқичда: Туман (шаҳар) ҳокимлиги уй-жой қуриш учун ер участкаларини реализация қилиш тўғрисидаги буюртмани шакллантиради Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалига (*кейинги ўринларда – филиал деб юритилади*) юборади.

иккинчи босқичда: Филиал туман (шаҳар) ҳокимлигидан буюртмани олгандан кейин **ўн беш иш** кунда:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри маълумотлари асосида буюртмада белгиланган ер участкасининг бўш ёки бўш эмаслигини аниқлайди;

ер участкаси бўш бўлмаган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги ва туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимига бу тўғрисида маълумот юборади;

бўш ер участкалари бўйича кадастр йиғмажилдини тайёрлайди ва туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.

учинчи босқичда: Туман (шаҳар) ҳокимлиги «E-qaror» тизимида қарор лойиҳасини ишлаб чиқади, келишади ва рўйхатдан ўтказди ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.

тўртинчи босқичда: Давлат кадастрлари палатасининг **ҳудудий бошқармаси** буюртмада кўрсатилган ер участкаси маълумотларининг Давлат реестридаги маълумотларга мувофиқлигини, шунингдек, ер участкасига нисбатан тақиқнинг ёки хатловнинг мавжудлигини текширади.

Тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги номига ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказди ва маълумотларни

«Yerelektron» ААТ киритади.

бешинчи босқичда: Туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участкаси бўйича ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига нисбатан мавжуд чекловларни «Yerelektron» ААТ орқали белгилайди.

Муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланувчи ташкилотларга ер участкаларини тармоқларга улашга тегишли техник шартларни олиш учун сўров юборади.

олтинчи босқичда: муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланувчи ташкилотлар тармоқларга уланишнинг техник шартларини ишлаб чиқади ва **туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади.**

еттинчи босқичда: Туман (шаҳар) ҳокимлиги ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни техник шартлар билан бирга электрон шаклда «Yerelektron» ААТ орқали Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармасига юборади.

саккизинчи босқичда: Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармаси энг яхши таклифларни танлаш орқали баҳоловчи ташкилотни аниқлаш, улар билан шартнома тузиш ҳамда ер участкасининг бозор қийматини аниқлаш ишлари ташкил этилишини таъминлайди.

Баҳолаш ташкилоти томонидан тайёрланган ҳисобот асосида «YERELEKTRON» ААТга ер участкасининг бошланғич қийматини киритади.

тўққизинчи босқичда: Туман (шаҳар) ҳокимлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги аукционга қўйилган бўш турган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштиради ва электрон оммавий ахборот воситаларида тарқатади.

10. Якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларини олиш мақсадида **фуқаролар** электрон онлайн-аукционда белгиланган тартибларга мувофиқ иштирок этади.

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармаси аукцион натижалари ҳақидаги баённома

асосида ер участкасига мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерини расмийлаштиради ҳамда аукцион ғолибининг шахсий кабинетига ҳамда «Yerelektron» ААТ орқали Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига юборади.

**БУНИ БИЛИШ
ЗАРУР**

*Давлат ордери ғолиб номига ер участкасини мулк ҳуқуқ асосида рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлади. Давлат ордерини бериш учун **давлат бож**и ундирилмайди.*

Шундан сўнг, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни **давлат рўйхатидан ўтказиш** Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан давлат ордери тушган кундан бошлаб **икки иш куни ичида** амалга оширилади.

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги кўчирмани **Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси** операторга «Yerelektron» ААТ орқали юборади.

Ғолибнинг шахсий кабинетига оператор томонидан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги кўчирмани юбориш орқали рўйхатдан ўтказиш жараёни якунланади.

Мазкур ишлар амалга оширилганидан сўнг **Филиал ва туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал бўлими** ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилайди ва ер участкасини натурада кўрсатади.

Уй-жойга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш

Фуқаролар томонидан қурилган уй-жойлар бўлган ҳуқуқлар Кадастр органларидан давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт ҳисобланади.

Кўчмас мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) давлат ҳокимияти органларининг ер участкасини бериш тўғрисидаги қарори;

б) мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги нотариал идора томонидан берилган гувоҳнома;

в) аукцион асосида сотиб олинганлиги тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокими томонидан берилган давлат ордери.

Кўчмас мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар уйларни нотариуслар томонидан тасдиқланган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш шарти билан бошқа шахсга ўтказиш шартномалари ва бошқа ҳужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

БУНИ БИЛИШ ЗАРУР

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ёки ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларсиз фойдаланилаётган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Уй-жойларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун **Давлат хизматлари марказларига** ёки **Ягона давлат хизматлари портали орқали** берилади.

Кадастр органлари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда **2 иш куни** давомида давлат рўйхатидан ўтказади.

Жисмоний шахсларнинг якка тартибда тураржой қуриш учун берилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 бараварида** тўлов ундирилади

**Якка тартибда уй-жой қуришни тартибга солувчи
қонунчилик ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни;
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори

**Қўлланмага
1-ИЛОВА**

**Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш
бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

_____ (сана)

_____ (рақам)

**Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш
бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

I. Арıza берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. ЖШШИР	
2. Ф.И.О.	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

II. Арıza берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

III. Бино ва иншоот тўғрисида маълумот:

1. Бино ва иншоотнинг кадастр рақами	
2. Бино ва иншоотнинг манзили	

IV. Сўровномага илова:

Бино ва иншоот фасадининг эскиз лойиҳаси	
--	--

**Қўлланмага
2-ИЛОВА**

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат
хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

(санаси)

(рақами)

**Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш
учун
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. ЖШШИР	
2. Ф.И.О.	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

II. Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

III. Бино, иншоот ва лойиҳа ташкилоти тўғрисида маълумот:

1. Лойиҳа ташкилотининг СТИР рақами					
2. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами					
3. Кўчмас мулкнинг манзили					
4. Бино ва иншоотни лойиҳалаштирган ташкилотнинг номи					
а) Бино ва иншоотнинг ҳажми (нотурар бино ва иншоот учун)	<table border="1"> <tr> <td>Худудий қурилиш бош бошқармасига юбориш</td> <td>умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ</td> </tr> <tr> <td>Туман (шаҳар) қурилиш бўлимига юбориш</td> <td>умумий майдони 500 квадрат метрдан кам</td> </tr> </table>	Худудий қурилиш бош бошқармасига юбориш	умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ	Туман (шаҳар) қурилиш бўлимига юбориш	умумий майдони 500 квадрат метрдан кам
Худудий қурилиш бош бошқармасига юбориш	умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ				
Туман (шаҳар) қурилиш бўлимига юбориш	умумий майдони 500 квадрат метрдан кам				
б) Якка тартибдаги уй-жой	Туман (шаҳар) қурилиш бўлимига юбориш барча якка тартибдаги уй-жойлар				
в) Тарихий зоналарда, шу жумладан, маданий ёдгорликларни қўриқлаш зоналарида қуриладиган объектлар ҳамда давлат объектлари	Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги худудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларига юбориш				

IV. Сўровномага илова:

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг эскиз лойиҳаси	
--	--

**Қўлланмага
3-ИЛОВА**

**Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича
давлат хизматларидан фойдаланиш учун**

СЎРОВНОМА

(санаси)

(рақами)

**Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича давлат
хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

I. Арıza берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. ЖШШР	
2. Ф.И.О.	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

II. Арıza берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Тўлиқ номи	
2. Телефон рақами	
3. СТИР	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

III. Объект ҳақида маълумот:

1. Объектнинг кадастр рақами	
2. Объект жойлашган манзил	
3. Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқишнинг мақсади	Турар жойни нотурар жойга ўзгартириш Объектни янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз худудида қўшимча бино ва иншоотни қуриш
4. Қайта расмийлаштириш	

IV. Илова қилинадиган ҳужжат (қуйида кўрсатилган ҳужжатлардан бири илова қилинади):

а) туман (шаҳар) қурилиш бўлимининг рухсатномаси;
б) «E-auction» ягона электрон савдо майдончасида ўтказилган электрон аукцион натижалари ҳақидаги баённома;
в) йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори;
г) техник шартлар (муҳандислик-коммуникация тармоқларига эҳтиёжи бўлганда).

**Қўлланмага
4-ИЛОВА**

**Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш
бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

_____ (сана)

_____ (рақами)

**Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат
хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот	
1. ЖШШИР	
2. Ф.И.О.	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
5. Қайта расмийлаштириш (ариза юборилган вақтдаги шартлар ўзгарган тақдирда)	
II. Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот	
1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
5. Қайта расмийлаштириш (ариза юборилган вақтдаги шартлар ўзгарган тақдирда)	
III. Муаллифлик назоратини олиб борувчи лойиҳа ташкилоти тўғрисида маълумот	
1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
IV. Пудрат ташкилоти тўғрисида маълумот	
1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	
V. Кўчмас мулк тўғрисида маълумот	
1. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами	
2. Кўчмас мулкнинг манзили	
3. Қурилиш-монтаж ишларининг тури	
4. Қурилиш-монтаж ишларининг қиймати (ҚҚСсиз, буюртмачининг бошқа харажатлари ва жиҳозларисиз)	
5. Қурилиш бош бошқармасининг хулосаси (баёни) рақами ва санаси	
6. Экспертга ташкилотининг номи, ижобий хулосасининг рақами ва санаси	
7. Пудрат ташкилоти лицензиясининг рақами ва санаси (лицензияланадиган алоҳида қурилиш-монтаж ишлари турларини бажаришда)	

8. Экспертиза органларининг лойиҳа ҳужжатларининг санонат хавфсизлиги тўғрисидаги ижобий ҳулосасининг рақами ва санаси (хавфли ишлаб чиқариш объектлари учун)				
9. Кўчмас мулкнинг тоифаси		нотураар объект		
		тураар-жой объекти		
VI. Қурилиш-монтаж ишларига масъул бўлган ходимлар тўғрисида маълумот				
Қурилиш объектидаги масъул шахснинг лавозими	ЖШШР	Масъул шахснинг Ф.И.О.	Телефон рақами	Сертификат рақами
Муаллифлик назорати				
Техник назоратчи				
Пудрат ташкилотининг ички назорати				
VII. Илова қилинадиган ҳужжатлар (якка тартибдаги уй-жойлар учун табиқ этилмайди)				
1.	Қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш пудрат ташкилотининг қурилиш лабораторияси мавжудлигини тасдиқловчи ёки шартнома асосида лаборатория жалб этилганлиги тўғрисидаги ҳужжати			
2.	Буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорати тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ ёки шартнома нусхалари			
3.	Буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотининг муаллифлик назорати ва пудрат ташкилотининг ички назорат мутахассисларининг сертификатлари			
4.	Қурилишни ташкил этиш ва ишларни бажаришнинг тасдиқланган лойиҳалари.			

**Қўлланмага
5-ИЛОВА**

**Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун
рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

(сана)

(рақам)

**Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома
бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:		
1. ЖШШИР		
2. Ф.И.О.		
3. Телефон рақами		
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)		
II. Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:		
1. Тўлиқ номи		
2. СТИР		
3. Телефон рақами		
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)		
III. Бино ва иншоот тўғрисида маълумот:		
1. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами		
2. Кўчмас мулкнинг манзили		
3. Кўчмас мулкнинг тоифаси	Нотураар жой	300 метр кубдан ортиқ бўлган нотураар бино ва иншоотлар (II, III, IV тоифалардаги объектлар) <i>(хулоса берувчиларга юборилади)</i>
		300 метр кубдан ортиқ бўлмаган нотураар бино ва иншоотлар (I тоифа объектлар) <i>(туман (шаҳар) қурилиш бўлимларига юборилади)</i>
	Тураар жой	икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдани 500 кв. метрдан ортиқ <i>(инспекцияга юборилади)</i>
		икки қаватдан юқори бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган <i>(туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларига юборилади)</i>
4. Кўчмас мулкни лойihalаштирган ташкилотнинг номи		

IV. Сўровномага илова қилинадиган ҳужжатлар: (икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойлар ҳамда 300 метр кубдан ортиқ бўлган нотурар объектлар бўлганда илова қилинади)

а) пудрат ташкилоти ва буюртмачи ўртасида имзоланган, қурилиши тугалланган объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси;
б) пудрат ташкилоти томонидан берилган мувофиқлик декларацияси;
в) муаллифлик ва техник назоратни амалга оширувчи мутахассис томонидан берилган бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

**Қўлланмага
6-ИЛОВА**

**ЕР УЧАСТКАСИГА МУЛК
ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ДАВЛАТ ОРДЕРИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ**
(ҳудуд номи)

**ЕР УЧАСТКАСИГА МУЛК
ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ДАВЛАТ ОРДЕРИ № _____**

Мулкдорнинг номи _____
(жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Мулкдорнинг манзили (яшаш
жойи) _____

паспорт серияси _____ рақами _____ ким томонидан ва қачон берилган

СТИР _____,
ЖШШИР _____

_____ манзилидаги
_____ қийматидаги
(сумма рақам ва сўз билан ёзилади)

умумий _____ кв м ер майдонига мулк ҳуқуқи берилди.

Ушбу ордер _____
(ордерни берган давлат органининг номи)

_____ га асосан берилди.
(ордерни беришнинг асоси)

Ордер рўйхатдан ўтказилган сана _____

Худудий бошқарма бошлиғи

QR-коди

Ф.И.О.

**Қўлланмага
6-ИЛОВА**

**БИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ ИХТИСОСЛАШИШINI ЎЗГАРТИРИШ,
ҚАЙТА ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ҲАМДА ЎЗ ХУДУДИДА
ҚЎШИМЧА БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ ҚУРИШНИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРИШГА РУХСАТНОМА БЕРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ХИЗМАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ УЧУН
СЎРОВНОМА**

(сана)

(тартиб рақами)

**Бино ва иншоотларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш,
реконструкция қилиш ҳамда ўз хуудидда қўшимча бино ва иншоотларни қуришни
лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш
учун
СЎРОВНОМА**

I. Жисмоний шахс — ариза берувчи ҳақида маълумотлар:

1. ЖШШИР	
2. Ф.И.О.	
3. Телефон рақами	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

II. Юридик шахс — ариза берувчи ҳақида маълумотлар:

1. Тўлиқ номи	
2. Телефон рақами	
3. СТИР	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	

III. Объект ҳақида маълумот:

1. Кадастр рақами	
2. Объект жойлашган манзил	
а) Турар жойдан нотурар жойга ўтказиш бўйича:	тўлиқ қисман
Бино ва иншоотнинг нотурар жойга ўтиши	реконструкция қилиб реконструкция қилмасдан
Фаолият тури	
Бино ва иншоотнинг рақами, литери	
Нотурар жойга ўтадиган бино ва иншоотнинг умумий майдони	
Илова	турар жойга биргаликда эгалик қилувчиларнинг нотариал тасдиқланган ёзма розилиги (агар мавжуд бўлса)
б) Нотурар жойдан турар жойга ўтказиш бўйича	тўлиқ қисман
Бино ва иншоотнинг рақами, литери	

Турар жойга ўтказиладиган бино ва иншоотнинг умумий майдони	
в) Объектнинг ихтисослашишини ўзгартириш ва реконструкция қилишнинг асосий мазмуни	
г) Рухсатнома расмийлаштирилганда архитектура-режалаштириш топириғига буюртма берилсинми?	ха йўқ
3. Кўчмас мулк тақиқ, хатлов ёки гаровга (ипотекага) қўйилган бўлса, ваколатли органнинг розилик хати илова қилинади.	

Қўлланмага
6-ИЛОВА

**БИНО ВА ИНШОТЛАРНИНГ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ҲАМДА ЎЗ
ҲУДУДИДА ҚЎШИМЧА БИНО ВА ИНШОТЛАРНИ ҚУРИШ УЧУН
РУХСАТНОМА**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

(туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари)

Ҳужжат тузилган сана: _____

Ариза берувчининг номи ёки Ф.И.О.: _____

**Бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида
қўшимча бино ва иншоотларни қуриш учун
РУХСАТНОМА**

20 ____ й. “ ____ ” _____ -сон

1.	Ариза рақами	
2.	Объектнинг ишлар бажариладиган қисми	
3.	Объект номи	
4.	Объект манзили	
5.	Объектнинг ер майдони	
6.	Кадастр рақами	
7.	Қуйидаги ишларни амалга ошириш учун рухсатнома берилди	

*Объект жойлашган жой кўрсатилган бош режа.
(Улар бўлмаганда ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги харитаси, топохарита ёки “Google”дан
фойдаланиши мумкин)*

Эслатма:

Рухсатнома олингандан сўнг қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин:

1. Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш.
2. Лойиҳа ташкилоти томонидан тайёрланган лойиҳа ҳужжатларини қурилиш органлари билан келишиш. Бунда: